



# MILLIY TIKLANISH

43 (156)

2011 йил 2 ноябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## Электорат манфаатлари

Давлатимиз раҳбари тақдим этган Концепция Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсадлари ҳамда сайловолди Платформасида олдимизга қўйган мақсадларни бажариш, хусусан, электорат манфаатларини рўйбага чиқаришда дастуриламал бўлмоқда.



## Янги уйлар, муборак

Мамлакатимизда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.



## Яқун. Таассурот ва хулосалар

Кун кеча яқунланган "Art Week Style.uz-2011" санъат ҳафталиги "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан амалга оширилаётган энг катта лойиҳалардан бири эканлигини, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кино, театр, тасвирий санъат, мода ва дизайн каби йўналишларда нақадар улкан ютуқлар қўлга киритилганини кўрсатиб турибди.

2 СИЁСАТ

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

8 КЎЗГУ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 20 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимизнинг муҳофаза қобилиятини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларни барпо этишда салмоқли хисса қўшган ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони таъсис этилсин.  
2. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишонининг Низоми ва

тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) 2011 йилнинг 20 декабрида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишонларининг бел-

гиланган тартибда тайёрланишини таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М.Атаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 31 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги фармониغا 1-илова

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони билан давлатимиз муҳофаза қудратини мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларини барпо этишда салмоқли хисса қўшган шахслар, юқори профессионал маҳорати, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчи-га садоқатини намойён қилган ҳарбий хизматчилар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар ҳаракатларда иштирок этган, захиратга бўшатилган ёки истеъфога чиқарилган

ҳарбий хизматчилар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий ҳамда хизмат бурчини бажаришда ҳалок бўлган ёхуд ярадор бўлган ва шикастланган ҳарбий хизматчилари тақдирланадилар.

2. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонини номидан қўшилма командири ва ундан юқори лавозимли шахслар томонидан тантанали вазият-

да топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома бериллади.

3. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони мукофотланганларга ҳарбийлашган тузилмалар вазирилик ва идоралари раҳбарларининг буйруғига асосан топширилади.

4. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақиллади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 31 октябрдаги фармониغا 2-илова

### "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА 20 ЙИЛ" ЭСДАЛИК НИШОНИ ТАВСИФИ



"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига 20 йил" эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олди томонига таралаётган кўш нурлари фондида «Ватанга қасамёд» монументи — жанговар байроқ олдида тиз чўкиб, Ватанга содиқлик ҳақида қасамёд қилаётган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчисининг сиймоси тасвирланган бўлиб, унинг ортида, ўнг томонда, юқорироқда ўғлига ўз муқаддас бурчини адо этишга оқ фотиҳа бераётган она тимсоли акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганининг юбилей санасини аңглатувчи «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARIGA 20 YIL» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг юзасида тасвирланган монументнинг ўнг ва чап томонига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топган йил ва юбилей йили 1992-2012 рақамлари акс эттирилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Эсдалик нишони ҳалқача ва илгакча ёрдамида устки қисмига Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли полосалари туширилган эни 24 миллиметр ипак лента ўралган беш бурчак шаклидаги қадағич (колodka) билан туташтирилади. Кўк, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полосаларнинг эни 1,5 миллиметр. Колодканинг баланглиги 48, эни 45 миллиметр. Тўғнагичга мустаҳкамланган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир. Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган.

## ХАБАРЛАР

### Ҳамкорлик уфқлари

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида "Инновация-2011" аънанавий XVI халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда Корея Республикаси, Россия, Украина, Қозғоғистон, Беларусь ва республикамиз вакиллари-нинг 200 га яқин маъруза ва бошқа илмий ишлари тақдим этилди. Сеулнинг Конкук университети тадқиқотчиси Абдулазиз Азаматов "Учиш аппаратлари геометриясини лойиҳалашда бирлашган лойиҳалаш тизимлари учун интеллигент ечимлар" мавзусида маъруза қилиб Ўзбекистон билан боғлиқ ҳамкорликнинг янги уфқлари ҳақида қимматли маълумотларни берди.

### Ижтимоий шерикчилик манфаатлари ҳимояда

Кеча Миллий матбуот марказида "Ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимояси" мавзусида конференция ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Матбуот конференциясида ташкилотчилар томонидан Ўзбекистонда Мехнат соҳасидаги ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш учун ҳуқуқий негиз яратилганлиги алоҳида таъкидланди. Давлат раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида сўз борди.

### "Афсона" — фестиваль голиби

Навоий шаҳридаги «Фарҳод» маданият саройида «Қизилқум санъат гунчалари» IX аънанавий болалар фестивали бўлиб ўтди.

Унда Зарафшон, Учқудук, Навоий шаҳарлари, Нуробод, Зафаробод туманлари ҳамда қончилар кўргонларидан келган 400 нафардан ортик ўғил-қизлар ўз иқтидор ва маҳоратини намойиш этди. Фестивалда Зарафшон шаҳридаги «Олтин водий» маданият саройининг «Афсона» ансамбли Гран-при соҳиби бўлди.

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



## Фракция йиғилиши

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши ўтказилди. Унда қўйи палатанинг навбатдаги ялпи мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, фракция аъзолари, вазирилик ва идоралар мутасаддилари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Дастлаб фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 2010 йил 12 октябрда киритилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари бирлаштирилган "Ўзбекис-

да"ги ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 23 декабрда киритилиб, биринчи ўқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари бирлаштирилган "Ўзбекис-

тон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Унга кўра Жиноят-процессуал кодекси бир қатор моддаларининг тегишли қисмларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Кун тартибидagi иккинчи масала "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

2-бет

## КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

## Қонун ижодкорлиги

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ-ИЖОДИЙ ЖАРАЁН

*Давлат ҳуқуқий муносабатлар орқали халқ иродасини қонун даражасида ифода этади, ижтимоий бошқарув ва сиёсий раҳбарликни амалга оширади. Бу жараён ҳуқуқ ижодкорлиги бўлиб, унинг энг юқори даражада такомиллашган шакли — бу қонун ижодкорлигидир.*

Шу нуқтаи назардан қараганда, у ёки бу қонуннинг яратилишига бўлган эҳтиёжни ўрганиш — қонунчилик жараёнининг бошланғич нуқтаси бўлиб, бу қонун лойиҳасининг тайёрланиши, парламентга киритилишидан бошлаб, у қабул

қилинганга қадар давлат органлари томонидан рўйбага чиқариладиган ваколатлар мажмуини ташкил этади.

Мамлакатимизда қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ислоҳ қилиниши, аниқроғи икки палатали парламентнинг жорий

этилиши қонун ижодкорлиги фаолиятини янги босқичга кўтарди, десак муболаға бўлмайди.

Ўтган 2010 йилда Президентимиз Ислам Каримов икки марта Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисларида иштирок этиб, маъруза қилди. Шубҳасиз, мазкур Юртбошимизнинг маърузаларини нафақат парламент, балки мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги гоёт муҳим сиёсий воқеа сифатида баҳолаш мумкин.

2-бет



# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

## ● МУЛОҚОТ

# Демократик жараёнларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш

**БУГУНГИ ФАОЛИЯТИМИЗ МАЗМУНИГА АЙЛАНМОҒИ ЛОЗИМ, - ДЕЙДИ ЎЗМТДП КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ИЖРОИЯ КЎМИТАСИ РАИСИ ОЙНИСА ОЧИЛОВА**

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда бошқичма-бошқич, тизимли ва комплекс равишда, изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" Ўзбекистонда ривожланишнинг янги бошқичини бошлаб берди. Ушбу бошқич жамият ҳаётида сиёсий партияларни янада ролини ошириш билан бирга улар зиммасига алоҳида масъулият юклатди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ойниса Очилова билан суҳбатда бу борадаги вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларга эътибор қаратдик.*

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар жараёнида ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши қандай ишларни амалга оширмоқда?

— Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилган бошқичма-бошқич ва изчил ислохотлар туфайли мамлакатимиз ўз тарихий тарққийнинг янги бошқичига қадам қўйди. Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятда ҳам кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар ободонлашиб, замонавий қиёфага эга бўлди, янги корхоналар, таълим, тиббиёт муассасалари, кенг ва раван йўллар, бог ҳамда хиёбонлар бунёд этилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши томонидан партия дастурида назарда тутилган буюк алломаларимиз меросини ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, халқимизнинг миллий қадриятларини асраш, аҳолини, айниқса ёшларни "оммавий маданият" ниқобидаги турли мафкуравий тахдидлардан ҳимоя қилиш, ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик руҳида вояга етказиш, Ўзбекистон Республикаси давлат рамзларини умуммиллий гуруҳ ҳамда эҳтиром тимсоллари сифатида улғ-

лаш ва ардоқлаш, миллий байрамларимизни кенг нишонлашга қаратилган тадбир ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича "Миллий тикланиш" демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгашининг чора-тадбирлар дастури доирасидан келиб чиқиб, ушбу улғу байрамимизни кўтаринки руҳда кутиб олиш, мустақиллик нёъмати ва унинг шарофати билан мамлакатимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳамда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий соҳалардаги ижобий ўзгаришларни кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тарихий аҳамияти, мустақиллик йилларида давлатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари ва ютуқлари ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан алоқаларининг ўзига хос жиҳатлари ва моҳиятини жамоатчиликка етказиш, тушунтириш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари томонидан вилоятимизнинг деярли барча жойларида "Буюк ва муқаддасан мустақил ватан", "Истиқлол йилларида Ўзбекистон", "Истиқлол ва миллий қадриятлар", "Мустақиллик — ёшлар нигоҳида", "Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ва ўзаро ҳамкорлик йўли", "Биз учун ягона ва устувор мақсад Ўзбекистон манфаати" мавзусида оммавий тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

— Партиянинг дастурий мақсад-гоялари ва сайловди Платформасида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан депутатлик гуруҳлари ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталсангиз.

— Бугунги кунда Ўзбекистон танлаган ривожланиш йўлини халқимизнинг барча қатламлари қизгин қўллаб-қувватлаётганлиги, миллий сайлов қонунчилигимиз ўзининг демократик характери ва руҳи билан халқаро стандартлар ва принципларга тўла жавоб бериши, сиёсий партиялар ўзларининг ижтимоий қатламлари манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўз фаолиятларини сезиларли даражада оширганликларини кўрсатмоқда. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузаларида таъкидланганидек: "Бугунги кунда ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатан ҳам ҳеч қандай куч орқаси қайтарма олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини"

Ислом Каримов томонидан илгарии сурилган Концепцияда белгилаб берилган вазифалар бўйича "Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида ЎЗМТДПнинг ўрни ва роляси" мавзусида ўқув-семинар, "Партия ҳаётини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг самарали услублари" мавзусида семинар-тренинг, қолаверса, ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят шаҳар ва туман Кенгашларида "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, депутатлик гуруҳлари партия электорати билан ишлашда "Хунарманд" уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги, "Махалла" хайрия жамағатлари вилоят бўлими, вилоят Хотин-қизлар Кўмитаси, "Камолот" ЁИХ вилоят Кенгаши, вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси, "Ўзбек жанг санъати" федерацияси вилоят бўлими, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси, вилоят Касб-хунар коллежлари ҳамда



қилиши. Ва айна пайтда мазкур масалани ҳал этиш борасида мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораёямиз.

— Маълумки, ЎЗМТДПнинг ҳар бир ташкилотига ўз фаолиятини танқидий таҳлил қилиш амалиёти шаклланмоқда. Партия вилоят Кенгаши бу борада қандай ҳолатларга эътибор қаратиши лозим, деб ҳисоблайсиз?

— Дарҳақиқат, ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳам камчилик ва муаммолардан холи эмас. Партия аъзолари билан ишлашни янада кучайтиришимиз лозим.

**ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳам камчилик ва муаммолардан холи эмас. Партия аъзолари билан ишлашни янада кучайтиришимиз лозим. БПТлар сонини кўпайтириш, улар фаолияти самардорлигини ошириш ҳам олдимизда турган муҳим масалалар сирасига киради. Айниқса, айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятида ташаббус кўрсатиш анча суст кечмоқда. Бундан ташқари кадрлар захирасини тайёрлаш жараёнини янада кучайтиришимиз зарур.**

ёркин ифодасидир. Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун туфайли давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг таъсири ва масъулияти тобора ошиб бораёпти. Таъкидлаш жоизки, партияимизнинг дастурий вазифалари, гоёларини қонун ва қарорлар қабул қилишда иштирок этиш орқали амалга оширишда давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланган барча даражадаги депутатларимиз асосий ўрин тутди.

Жумладан, Президентимиз

вилоят Халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, "Ижтимоий шериклик" асосида тадбир, семинар ва давра суҳбатлари, ўқув-курсларини мунтазам ўтказиб келмоқдамиз. Ташкил этилаётган тадбирларда электоратий ўйлантирилган масалалар таҳлил қилиниб, тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмоқда. Масалан, миллий хунармандчилик ва касаначилик йўналишларида фаолият юритаётган вилоятнинг Қарши, Китоб, Қасби, Қосон, Шаҳрисабз, Ғузур ва Деҳқонobod каби туманлари хунармандлари туризм транзитини очиш ва шу орқали ўз маҳсулотларини чет мамлакатларда сўтиш ва тарғиб қилиш имконияти ортиси борасида муружаат

БПТлар сонини кўпайтириш, улар фаолияти самардорлигини ошириш ҳам олдимизда турган муҳим масалалар сирасига киради. Айниқса, айрим халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаолиятида ташаббус кўрсатиш анча суст кечмоқда. Бундан ташқари кадрлар захирасини тайёрлаш жараёнини янада кучайтиришимиз зарур. Айни пайтда уларни бартараф этиш учун бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, амалий ишлар олиб боришмоқда. Бу тадбирларимиз тез орада ўз натижаларини беради, деган умиддамиз.

**Суҳбатдош:**  
**Камолитдин ҲОТАМОВ,**  
**"Milliy tiklanish" мухбири**

кати ва лицензиясига эга бўлган бу даргоҳ 2009 йилда ишга туширилган бўлиб, жаҳон андозларида мос равишда, ўзига хос замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган тарзда барпо этилган. Мазкур меҳмонхона меҳмонлар учун барча шарт-шароитлар мавжуд. Жумладан, спорт зали, сауна ва бассейн, конференция зали, кафебар — барчаси меҳмонларнинг мароқли хордиқ олишларини таъминламоқда.

Туризм соҳасини ривожлантириш, хорижлик меҳмонларга янада аяшхорқ хизмат кўрсатиш мақсадида меҳмонхона ёнидаги бир қаватли бино ўрнига жаҳон стандартларида мос келадиган 4 қаватдан иборат яна бир меҳмонхона қурилиши режалаштирилмоқда. "Узсаноткурилишбанк" кредити асосида барпо этиладиган иншоотни лойиҳалаш ишлари давом этмоқда.

Халқимизда излаган имкон топар, деган ҳикматли гап бор. Мана шундай ҳикматли сўзга амал қилиб, фаолият олиб бораётган депутатлар вилоятимизда кам эмас.

Мақсадимиз эзгу. Шу муазам заминга, саховатли, меҳроқибатли халққа хизмат қилиш. Зеро, эзгуликни мақсад қилган инсон, албатта, кўзлаган мақсадига эришади.

**Фарҳод ЭРНАЗАРОВ,**  
**Халқ депутатлари**  
**Навоий шаҳар**  
**Кенгаши депутати**

## ● 168 СОАТ: ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

# Аждодлар маънавий мероси

**БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ**

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Халқимизнинг бой ва бетакрор маданий, маънавий, ахлоқий ҳамда миллий анъаналарига таянган ҳолда фуқароларни миллий гуруҳ ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, кўп асрлик қадрият ва урф-одатларини сақлаб қолиш, уларни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ишига ҳар томонлама кўмаклашиш ЎЗМТДПнинг дастурий мақсадларидан саналади. Бу борада партия қатор давра суҳбати, тадбир ва кўрик-танловларни мунтазам ташкил этиб келмоқда.

ЎЗМТДП Бўстонлик туман Кенгаши ташаббуси ҳамда "Камолот" ЁИХ туман бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда ўтказилган "Аждодларимиз мероси — бебаҳо бойлик" мавзусидаги тадбир ҳам ана шундай мақсадлар рўйбега қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унда партия туман Кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти" фаоллари, БПТ етакчилари, "Камолот" ЁИХ туман бўлими Кенгаши ходимлари, туман хотин-қизлар кўмитаси мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат туйғусини янада шакллантириш, буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий, маданий меросни теран англаш, ўрганиш ва ривожлантириш барқамол авлод тарбияси учун муҳим омиллар эканлигини таъкидлашди.

## АНДИЖОН

ЎЗМТДП Андижон вилоят Кенгаши, вилоят ҳокимлиги, вилоят Ички ишлар бошқармаси, "Камолот" ЁИХ вилоят бўлими Кенгаши билан ҳамкорликда "Ўзбек жанг санъати" бўйича "Бобур мирзо кубоги" Республика турнири мусобақаси ўтказилди. Унда сўзга чиққан Андижон вилоят ҳокимининг ўринбосари Х.Кетмонов, "Ўзбек жанг санъати" федерациясининг президенти П.Усмонов, ЎЗМТДП вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси К.Отахонов мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг миллий турларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, барқамол авлоднинг жисмонан ва маънан етуқ қилиб тарбиялашга катта аҳамият берилаётганлигини таъкидлашди.

Йиғилишда таъкидланганидек, "Ўзбек жанг санъати" тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. У спортчига нафақат жисмоний, балки маънавий ва руҳий озуқа ҳам беради. Мазкур спорт турини янада ривожлантириш, ёшлар ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилиш, улғу аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз саналади.

Тадбир доирасида ёш спортчилар томонидан кўрғазмали чиқишлар намойиш этилди ва голиблар партия ҳамда ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

## ХОРАЗМ

ЎЗМТДП Хоразм вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан ташкил этилган давра суҳбати "Экология ва ёшлар" деб номланди. Унда ЎЗМТДП вилоят Кенгаши аъзолари, партия "Ёшлар қаноти" етакчилари, ЎЗМТДПдан сайланган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Экоҳаракат вилоят бўлими фаоллари иштирок этди.

Давра суҳбатида глобаллашув жараёнида экологик муаммолар, уларни бартараф қилиш йўллари, ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, табиатга меҳр уйғотиш, уларни мавжуд муаммоларга қарши ҳамжихатликда курашишга чорлаш хусусида сўз борди. Шунингдек, бу борада партия томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Она сайёрамизни асраб-авайлаш, меҳр кўрсатиш ўз қўлимизда, - дейди "Ёшлар қаноти" фаоли Шайхноза Ақмонова. — Тадбирда экологик муаммолар, уларни бартараф қилиш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида кўплаб маълумотларга эга бўлди. Яна шунга амин бўлдики, барчамиз бир бўлиб ҳаракат қилсаккина, кўзланган натижаларга эришамиз.

Тадбирда экологик муаммоларни бартараф қилиш борасида амалий фаолиятни янада кучайтиришда биргаликда ҳаракат қилишга келишиб олинди.

## СУРХОНДАРЁ

ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ташаббуси билан "Партия ташкилотлари ишида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишнинг самардорлиги" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ходимлари, туман ва шаҳар Кенгаши раислари ва етакчи мутахассислари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда таъкидланганидек, муҳтаман Юртбошимизнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номили маърузасида ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш йўналишидаги вазифалар аниқ тақдиф ва ташаббуслар орқали белгилаб берилди. Юртимизда кечаётган изчил ислохотлар, жумладан, ахборот олиш ҳуқуқининг давлат томонидан кафолатлангани ва бу борада бир қатор ҳуқуқий асослар яратилгани эса фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши муқаррар.

Тадбирда сўзга чиққанлар партия фаолларини бугунги шиддатли глобаллашув жараёнида замонавий ахборот технологиялари борасидаги билим ва кўникмаларини янада жонлантириш, ахборот воситаларидан унумли фойдалана олиш бугунги замон талаби эканлигини эътироф этишди.

Тадбир сўнида ЎЗМТДП Марказий Кенгаши томонидан ажратилган компьютер жамланмалари туман Кенгашларига топширилди.

Ўз мухбиримиз

## ● ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИ

# Эзгуликни мақсад қилган инсон

**ЎЗ НИЯТИГА АЛБАТТА ЭРИШАДИ**

*Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" номили маърузасида илгарии сурилган устувор вазифалар жойлардаги депутатлик гуруҳлари ва биз депутатларга ҳам улкан масъулият юклатди. Эндилдики кўруқ гапдан амалий ишга ўтиш, маҳаллий Кенгаш томонидан ўтказилаётган сессияларда партияимиз ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиқиб ташаббус ва тақлифларни дадил илгарии суриш зарур.*

Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашида Саноят, қурилиш, коммунал масалалар ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссия котиби сифатида аҳолига муносиб турмуш шароити яратиш бериш, истеъмолчиларни талаб ва истакларини тўлақонли бажаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Айтиш жоизки, ҳудуддаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий муаммолар аввало сайловчилар билан учрашувлар жараёнида маълум бўлади. Ана шундай мулоқотларда аҳолининг ижтимоий муаммоларини бартараф этиш билан бир қаторда қабул қили-

наётган қонунларнинг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам аҳолига кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов тақдим этган Концепцияда илгарии сурилган устувор вазифалар бўйича батафсил тушунтириш ишлари олиб борилди.

"Муруват" МФЙ сайловчилари билан ҳар ойнинг 25 санасида мунтазам равишда учрашув ташкил қилинмоқда. Учрашувлар жараёнида аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига иқтисодий кўмак бериш, уларнинг саломатликларини тик-

лашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Ўтган 9 ой мобайнида "Муруват" маҳалласида истиқомат қилаётган 8 нафар қаринга санаторий-профилакторийларга йўланмалар ажратилди.

Маҳалла ҳудудида жойлашган "Меҳрибонлик уйи" ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Жорий йилда бу даргоҳда тарбияланаётган болалар учун 2,5 миллион сўм, Ногиронлар жамиятига аъзо бўлган болалар учун эса бир миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Таъкидлаш ўринлики, янги иш ўринлари яратиш етакчи вазифаларимиздан биридир. Жорий йилнинг 21 октябрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айнан шу масалага катта эътибор қаратилди. Сессияда таъкидландики, шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра 2012 йилда шаҳар меҳнат бозорига қарийб 9386 нафар фуқароларимиз кириб келиши кутилмоқда. Келгуси 2012 йилда меҳнат бо-

зорига кириб келаётган аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида шаҳарда 7533 та янги иш ўрни ташкил этилса, иш билан банд бўлмаган аҳоли, айниқса, ёшлар ҳамда хотин-қизлар бандлигини таъминлашга, шаҳарда ишсизлик даражасини кескин тушишига эришилди. Бу масалада ҳам биз депутатлар ўз ташаббусларимиз билан чиқмоқдамиз. Бугунги кунда 2012 йил учун янги иш ўринларининг прогност параметрлари дастур лойиҳаси тайёрланиб, корхоналар бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида ЎЗМТДП Навоий вилоят ва шаҳар Кенгашлари билан доимий ҳамкорликда партиянинг дастури, мақсад ва гоёларини кенг тарғиб этишга аҳамият қаратмоқдамиз. Партия томонидан ўтказилаётган кўпгина тадбирлар шаҳардаги энг кўркам маскан — "Камилла" меҳмонхонасида ўтказилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, 35 ўринга мўлжалланган мазкур меҳмонхонада нафақат ҳамюртларимиз, балки хориждан келган сайёҳлар ҳам қабул қилинади. "Ўзбектуризм" миллий компаниясининг махсус сертификати

# ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● **ИСЛОҲОТ**

## Хусусийлаштиришнинг изчиллиги ва инвесторларга кафолатлар

ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида жамият тараққиётининг янги йўналиши белгиланди. Мазкур жараёнда асосий эътибор иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини шакллантиришга қаратилди.*



Хусусан, мамлакат иқтисодий ривожланишининг янги йўналиши, бозор иқтисодиёти муносабатларини вужудга келтириш ва шакллантириш устувор вазифа сифатида белгиланди. Бу борада биринчи навбатда эски маъмурий-буйруқбошлик тизимидан воз кечилиб, бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятлари бўлган талаб ва тақлиф, рақобат каби воситаларнинг амал қилиши таъминланди ҳамда соҳанинг қонуний асослари яратилди.

Таъкидлаш жоизки, мустақилликнинг илк кунларидан мамлакатимизда хусусий мулкчиликни йўлга қўйиш ва хусусий мулкдорлар синфини яратиш орқали соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими яратилди. Жумладан, хусусий мулкчиликни жорий этиш йўналишидаги дастлабки қадам ва энг муҳим

ларнинг барчаси хусусийлаштиришнинг янги иқтисодий муносабат тизимидаги ўрни ва аҳамияти юқори эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Мухтарам Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрда эълон қилинган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" да ҳам давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Концепцияда Юртбошимиз мазкур масала юзасидан қўйидагиларни билдириб ўтдилар: "Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор таъминламоқда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул қилинган "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамастан, бугун қайта қўриб чиқишни ва янги тахрирда қабул қилишни талаб этмоқда".

Дарҳақиқат, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунга ўтган давр мобайнида қўлаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бироқ, ушбу қонундаги ақсарият нормалар, ўзининг мазмун ва моҳияти нуқтаи назаридан бугунги замонавий воқеаларга ва бозор қонуниятларининг янги талабларига жавоб бермайди. Айниқса, ушбу қонунда давлат тасарруфидан чиқаришда кенг қўлланилаётган "олтин акция" усулидан фойдаланишга оид нормаларнинг мавжуд эмаслиги, хусусийлаштиришга инвесторларни жалб этиш кафолатларини белгилашга оид

### Албатта мазкур ҳолатларнинг қонунда мустаҳкамланиши мамлакатимизда хусусийлаштириш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш изчиллигини оширишга ва хусусийлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

ҳужжат бўлган "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Шунингдек, ўтган даврда хусусийлаштириш билан боғлиқ муҳим норматив ҳужжатлар сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 15 мартдаги "Ўзбекистон Республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги, 2007 йил 20 июлдаги "Иқтисодиётнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонлари, 2005 йил 14 мартдаги "2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги, 2006 йил 10 июлдаги "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш тўғрисида"ги, 2007 йил 20 июлдаги "2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва ҳорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор Қарорлари ва улар билан тасдиқланган қўлаб хусусийлаштириш жараёнига оид Қоидалар ва Низомлар қабул қилинди.

Айтиш мумкинки, мазкур қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши мамлакат иқтисодиёти учун ўта зарурий аҳамиятга эга бўлган хусусийлаштириш жараёнларининг ҳуқуқий асосларини яратди ва ушбу муносабатларнинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилаб берди. Шу сабабли ҳам ўтган йиллар мобайнида хусусийлаштириш соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мол-мулк давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда янги синф "хусусий мулкдорлар синфи" қарор топди ва хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиши белгиланди (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси 2-қисми). Хусусий ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасининг янги тармоқлари юзасига келди ва иқтисодий хусусий сектор тармоғининг улуши ортиб борди. Бу ҳолат

қоидаларнинг ўз ифодасини топмаганлиги уни янги тахрирда қабул қилишга бўлган эҳтиёжни ортишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, қонун ўзининг тузилиши ва ҳажми, у томонидан тартибга солинаётган муносабатларнинг қўламини жиҳатдан ҳам қайта қўриб чиқишни талаб этади. Чунки, қонундаги асосий тушунчалар қисман баён этилган ҳолда, энг муҳим тушунчалар ва атамаларнинг легал таърифи ифодаланмаган. Хусусийлаштириш билан боғлиқ қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик чоралари, хусусийлаштириш муносабатларидаги давлат мансабдор шахслар иштирокига оид нормалар ҳамда хусусийлаштириш тартиби билан боғлиқ муҳим масалалар ҳам қонунда белгиланмаганлиги, келажакда ушбу ҳолатларни қонуннинг янги тахририда ифодалаш заруратини кўрсатади.

"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилиш билан боғлиқ яна бир муҳим масала, давлатимиз раҳбари Эътироф этганларидек, қонунда "бўлажақ инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиклиги ва ошқоралигини кўзда тутиш лозим"лигидир.

Албатта мазкур ҳолатларнинг қонунда мустаҳкамланиши мамлакатимизда хусусийлаштириш муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш изчиллигини оширишга ва хусусийлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бинобарин, хусусийлаштириш жараёнларида инвесторлар учун қўлай муҳит яратиш, қонуний кафолатларни қатъий белгилаш орқали уларни бу жараёнларга жалб этишни кенгайтириш ҳақиқатда иқтисодий ўсишнинг зарурий омилларидан биридир.

Бир сўз билан айтганда, хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишида халқ фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтиришда муҳим жиҳатлардан бири сифатида аҳамиятлидир.

**Жаҳонгир БОБОЕВ,**  
ЎзМТДП фракцияси аъзоси



## Янги уйлар, муборак

Мамлакатимизда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш мақсадига кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётди.

Жорий йилда Шаҳрисабз туманидаги Янгиқишлоқ, Чоршанба, Лолис-



тон, Қорасув ва Хўжаихуросон аҳоли пунктларида намунавий лойиҳадаги 120 уй-жой фойдаланишга топширилди. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси Қашқадарё вилоят филиали буюртмаси асосида бунёд этилган бу уйларда замонавий шарт-шароитлар яратилган. Уй эгаларига "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан узоқ муддатли имтиёзли кредит берилётгани, айниқса, ёш оилалар учун жуда яхши имкониятдир. Янги уйларнинг электр, газ, ичимлик суви таъминоти тармоқлари маҳаллий бюджет ва ҳомий ташкилотлар томонидан барпо этилаётгани уй-жойлар қурилиши таннархининг арзон бўлишига хизмат қилмоқда.

**Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА)**  
олган суратлар

## Баёнотлар билан амалий ишлар бир-бирига зид келганда

*"Ховар" агентлиги 2011 йил 26 октябрь кuni Тожикистон Республикаси ҳукуматининг Роғун ГЭСи қурилишидаги ишларнинг боришига оид расмий баёнотини эълон қилди.*

Баёнотнинг асосий маъно-мазмунини Тожикистон томони Роғун ГЭСи лойиҳасини халқаро экспертзадан ўтказиш бўйича Жаҳон банки билан тузилган битимга қатъий амал қилишда давом этаётганини ва лойиҳа халқаро экспертзадасининг яқиний натижаларини кутмасдан Амударёнинг ирмоғи — Вахш дарёси оқимини тўсиш бўйича дастлабки босқичдаги ишларга киришмоқчи эмаслигини таъкидлашга қаратилган.

Халқаро экспертлар ишига гўёки ҳеч қандай тўсқинлик қилинмаяпти, Роғун ГЭСи иншоотида амалга оширилаётган барча ишлар эса фақат таъмирлаш-тиклаш хусусиятига эга.

Келинг, аниқ фактларга мурожаат этайлик. Тожикистон Республикаси ҳукуматининг мазкур баёнотида "Роғун ГЭСининг техник имкониятлари, иқтисодий самарадорлиги, экологик хавфсизлиги кўп марта текширувдан ўтказилган ва ушбу лойиҳа бирор марта ҳам салбий баҳо олмаган", деб таъкидланади. Бирок бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Маълумки, Роғун ГЭСи қурилишига оид лойиҳа ўтган асрнинг 70-йиллари, яъни шўролар даврида тайёрланган ва ҳеч қандай экспертзадан, чунончи, ҳолис халқаро экспертзадан ўтказилмаган. Объект қурилиши 1976 йилда КПССнинг XXIV съезди директиваларига мувофиқ бошланган, қурилиш бўйича ҳеч қандай муҳокама ёки тафтиш ўтказилмаган. СССР парчаланиб кетгач, ушбу объектдаги ишлар ҳам тўхтатилган. Айна шунинг учун ҳам Тожикистон томони объектни экспортзадан ўтказиш масаласи юзасидан ҳозирги кунга қадар ҳеч қандай ҳужжат тақдим эта олмаётди.

Роғун ГЭСи лойиҳаси билан таниш бўлганлар учун сир эмаски, баландлиги 335 метрлик улкан тўғон қурилиши учун танланган майдон ер қобилигининг сейсмо-тектоник ёриғида жойлашган бўлиб, мазкур ҳудудда ер қатламнинг силжиши кузатилади ҳамда ювилиб кетиши эҳтимоли кучли бўлган қалинлиги қарийб 100 метрни ташкил этувчи улкан туз қатлами мавжуд.

Табиики, бундай сабаблар, бошқа кўпчилик сингари, экспортзада ўтказилган халқаро консорциум мутахассисларида ҳам лойиҳанинг ўзи ҳам мантиққа зиддир. Боз устига, Роғун ГЭСини барпо этиш кўзда тутилган зона Рихтер шкаласи бўйича 8-10 балли зилзилалар тез-тез содир бўладиган сейсмик фаол ҳудудга жойлашган. Экспертларнинг бундай

асосли ва қонуний талаблари Тожикистон томонидан қўйилаётган турли тўсиқларга дуч келмоқда. Чунончи, Тожикистон томони экспертзада жараёнида разведка бурғилаш ишларини истисно этишга жон-жаҳди билан уринмоқда. Ўз навбатида, бу халқаро консорциум экспертлари билан Тожикистон ҳокимият органлари ўртасида "жиддий" келишмовчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, Тожикистон ҳукуматининг бу борада халқаро консорциум билан тўлиқ ҳамфикр эканига оид баёноти ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди. Тожикистон саноат ва энергетика вазирлиги Ш.Гулининг ушбу лойиҳанинг экологик ва ижтимоий экспортзада натижалари қандай бўлишидан қатъий назар, Тожикистон томони ўзининг Роғун ГЭСи қурилиши бўйича ишларни давом эттириш тўғрисидаги қарорини ўзгартирмаслиги ҳақидаги баёноти оммавий ахборот воситаларига кўп бор эълон қилинди.

Тожикистон раҳбарияти жорий йил охирига қадар тўғон қурилиши учун Вахш дарёсини тўсиш бўйича ишларни бошлашни режалаштираётгани Жаҳон банки мутахассисларига яхши маълум. Яъни, халқаро экспертзада яқунлашганини кутмасдан, баландлиги 120 метрлик оралиқ тўғонни қуриб битказиш ва шу тариқа халқаро ҳамжамиятни танг аҳволга солиб қўйиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Тожикистон ҳукуматининг Роғун ГЭСи ҳудудида ҳозирги вақтда фақат таъмирлаш-тиклаш ишлари олиб борилмоқда, деган баёноти ҳам ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайди.

Акс ҳолда, 2010 йилда "таъмирлаш-тиклаш ишлари" деб аталган ишларга фақат давлат бюджетидан қарийб 150 миллион АҚШ доллари сарфланганини қандай изоҳлаш мумкин? Жорий йилда бундай ишлар учун бюджетдан яна 191 миллион доллар сарфлаш назарда тутилган. Ва, ниҳоят, 2012 йил учун бюджет лойиҳасида ушбу мақсадлар учун 223 миллион доллар ажратиш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, Роғун ГЭСи майдонида қарийб беш минг киши ишлаётгани ҳам маълум. Таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бу даражада кўп ишчи кучи талаб этилмаслигини барча жуда яхши билади.

Тожикистон ҳукуматининг баёнотида юқорида келтирилган бундай фактлар ҳақида лом-мим дейилмагани, мамлакат раҳбарларининг халқаро жамоатликдан бу борадаги ҳақиқий вазиятни яширишга бўлган навбатдаги қайсарона уринишдан ва юз бериши мумкин бўлган ҳалокатли техноген, экологик ва социал оқибатларга қарамастан Роғун ГЭСи лойиҳасини амалга ошириш ниятидан қайтмоқчи эмаслигидан бошқа нарса эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тожикистон раҳбариятига йўлланган мустақил халқаро экспертларнинг фикрига қўлоқ тутиш ва дунё тажрибасида қурилиши аллақачон тўхтатилган бундай йирик, жаҳондаги энг баланд тўғон барпо этиш ниятидан воз кечиш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқариш борасида муқобил манбалар топиш, жумладан, кичик ГЭСлар қуриш хусусидаги баёнот ва даъватлар эътиборсиз қолдирилатгани афсусланарлидир.

● **ФЕСТИВАЛЬ**

*Республика Халқ таълими вазирлиги ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, Олий ўқув юрталарининг профессор-ўқувчилари, "Ёш педагоглар мактаби" фаоллари, "Устоз-шогирд мактаби" тизимида фаолият кўрсатаётган она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари иштирок этди.*

### Фан ойлиги: маҳорат, билим ва тажриба кўриги

**ЯККАСАРОЙ ТУМАНИДАГИ 144-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА ОКТЯБРЬ — ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ҲАМДА ЎЗБЕК ТИЛИ ФАНЛАРИ ОЙЛИГИНИНГ ЯКУНИЙ ШАҲАР ФЕСТИВАЛИ БЎЛИШ ҲАМДА**

Фестивалда бугунги кунда юртимизда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, илғор педагогик усулларда дарс ўтишни йўлга қўйиш, баркамол авлод тарбиясида она тили ва адабиёти фанининг ролини янада ошириш, уларни ўз иқтидорини намоён этишига имконият яратиб бериш лозимлиги хусусида тўхталиб ўтилди. Аҳамиятлиси, ойлик доирасида пойтахтдаги умумтаълим мактабларида она тили ва адабиёт фанлари бўйича турли интерактив усулдаги очик дарслар ташкил қилинди, тилшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар билан ижодий учрашув, адабий кечалар уюштирилди. Шунингдек, ўқувчилар ойлик давомида шоир ва ёзувчиларнинг уй-музейлари, пойтахтдаги диққатга sazovor жойлар, маданият ва истироҳат болгарига саёҳатда бўлишди.

Ойлик давомида иқтидорли ўғил-қизларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадига "Эртақлар-яхшилиққа етаклар", "Энг яхши кичик томошабин", "Бугунги кун ўқитувчиси", "Энг яхши дарс ишланмаси", "Энг яхши фан хонаси" кўрик-танловлари, "Компьютер ва интернет фақат билим учун" мавзусидаги акцияси, "Мен ҳавас қилган инсон", "Оламаро ягонасан, Ўзбекистон" мавзуларида иншоолар танлови ўтказилди. Эътиборлиси, ойлик баҳона ўқитувчи педагог ва ота-оналар иштирокида "Ҳар фарзандга бир ойда учта китоб" акцияси ташкил этилди. Русийзабон ўқувчилар учун ҳафтанинг бир кунини "Ўзбек тилида сўзлашиш кунини" деб эълон қилиниши қамрида эса жонажон она тилимизга нисбатан ҳурмат-эътибор, уни софлигича асраб-авайлаш ва кейинги ёш авлодга етказиб бериш туйғуси муяссасам. Асосий мақсад эса таълим самарадорлигини янада ошириш, ижодкор педагог ва иқтидорли ўғил-қизларнинг кашф этиш ва уларнинг иш тажрибасини оммалаштиришдан иборатдир.

Ойликда энг яхши интерфаол усулда очик дарслар ўтиб берган бир қатор ижодкор педагоглар, кўрик-танлов голиблари тақдирланди.

Фестивал якунига кўра, "Энг ижодкор ўқувчи" танловида Чилонзор туманидаги 128-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Бобур Шокиров биринчи, Сергели туманидаги 6-мактаб ўқувчиси Хулкар Абдуллаева иккинчи ва Мирзо Улугбек туманидаги 205-мактаб билимдони Мафтуна Бойхонова учинчи ўринга муносиб топилди.

"Тадбиркорлик — ижодий маҳсули" мавзусидаги кўргазмали қуроллар танловида Яқкасарой туманидаги 160-мактаб ва Миробод туманидаги 125-мактаб метод бирлашмалари голиб деб топилди. Ойлик доирасидаги "Энг ижодкор методист" номинациясида голибиди Мирзо Улугбек туманидаги 91-мактаб ўқитувчиси Гулчехра Маманбоева ҳамда "Энг яхши шогирд" номинациясида унинг шогирди 100-мактаб педагоги Хуришда Абдуллаева муяссар бўлди.

**Азима ҚИЁСОВА**

# МАЪНАВИЯТ

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Хар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада, табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ислон КАРИМОВ



# Буюк халқнинг беназир хазинаси

МУСТАҚИЛЛИК ТУФАЙЛИ КАДР ТОПДИ

**Мамлакатимиз мустақилликка эришган, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли маънавий-маърифий ислохотлар жараёнида халқимизнинг бой тарихини асл ҳолича ўрганиш, миллий қадриятларимизга янги ҳаёт бахш этиш, халқимизнинг инсоният цивилизацияси тарихида тутган ўрнини жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга қаратилган эътибор юксак самаралар бераётди.**

Истиклол йилларида мунтазам равишда ўтказилаётган Наврўз умумхалқ байрами шодиёналари, "Алпомиш" дostonининг 1000 йиллиги халқаро ҳамжамият иштирокида кенг нишонлангани, йилдан йилга сони кўпайиб, репертуари бойиб бораётган фольклор-этнографик жамоаларнинг фаолияти фольклор санъатимизга янги ҳаёт ва олам узра парвоз қилиш учун қанот бағишламоқда. Бу тадбирлар миллий ўзлиқни англаш жараёни тезлаштириш, мустақиллигимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрнини намойён этишда муҳим омил бўлаётди.

Бундай тадбирлар жараёнида фольклор меросимизни тўплаш, архивлаштириш, уни ҳар томонлама ўрганиш, изохлар берилди. Китобнинг тадқиқот қисмини фольклоршунослар, мусиқага оид қисмини санъатшунос олимлар ёзди. Мамлакатимизда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий методик маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 1996-2006 йиллар мобайнида қадимий халқ кўшиқлари, урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни ўрганиш буйича уюштирилган "Остонаси тиллодан" номли фольклор экспедицияси бу борадаги илмий ишларни янада такомиллаштириш йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу тадбирда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари мутахассислари, фольклоршунос, санъатшунос олимлар, журналистлар иштирок этди. Унинг натижасида жойлардан халқ ижодиётининг турли қирраларига оид бўлган маълумотлар тўпланди ва "Остонаси тиллодан" деб номланган йирик адабий нашр чоп этилди.

Фольклоршунослик соҳасида олиб борилган ана шундай илмий тадқиқотлар натижасида кейинги йилларда юздан зиёд адабий-бадий, илмий оммабоп нашрлар китобхоналарга тақдим этилди. Бу асарлар соҳа мутахассислари билан бир қаторда маънавиятга, маърифатга ташна китобхон халқимизнинг китоб хазиналаридан жой олди. Истиклол йилларида мамлакатимиз худудида бундан тўрт-тўрт ярим минг йил аввал юзага келган қадимий Наврўз байрами билан боғлиқ афсоналар, кўшиқлар, уйинлар ва халқ анъаналарини тўплаш ва ўрганиш асосида "Наврўз", "Наврўз кўшиқлари", "Наврўз байрами", "Наврўз нашидаси" сингари китобларни чоп этганимиз миллий қадриятларимизни тиклашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бундай асарлар тезлик билан сотилиб кетмоқда ва янгидан талаб юзага келаётгани боис,

қайта-қайта нашр этиляпти. Айниқса, Наврўз байрами билан боғлиқ нашрлар, маросим кўшиқлари оид рисоаларнинг халқимиз орасида бозори ниҳоятда чақкон. Бу халқимизнинг ўзлигига бўлган юксак садоқатини, ватанга бўлган чексиз муҳаббатини ва келажак авлодларга ҳам бундай туйғуларни ва миллий қадриятларимизни безавол етказишдек эзгу мақсадни намойён этади.

## САРЧАШМАДАН ТОМГАН ИНЖУЛАР

Мамлакатимизнинг қайси худудига борсак, бир-бирига ўхшамай диган, бир-бирини такрорламайдиган, бадий савияси ниҳоятда юксак халқ ижодиёти намуналарини тинглаш имкониятига эга бўлмайди. Қорақалпоғистон Республикасида жировчилик, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд томонларида бахшичилик, Бухорода халқ кўшиқлари, Хоразмда халфаччилик, водийда лапар, аския каби жанрлар барҳаёт яшамоқда. Кейинги

умуман, истиклол йилларида Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида ушбу йўналишда тўрт нафар фан доктори, ўн олти нафар фан номзоди этишиб чиққани навқирон авлоднинг маънавий қадриятларимизга бўлган юксак эътиромидан далолатдир. Бунинг натижасида ўзбек фольклоршунослиги жаҳон илм-фани билан ҳамқадам ривожланмоқда. Илмий тадқиқот ўтказишнинг янги услублари амалиётга кириб келмоқда.

— Фольклоршунослигимизда шу пайтгача анъанавий тарихий-қийсий услубда иш олиб борилган бўлса, ҳозир ёш тадқиқотчиларимиз жаҳон фольклоршунослигида қўлланилаётган янги илмий методларни, хусусан, руҳий-таҳлил услубини чуқур ўзлаштириб, шу асосда илмий изланишлар олиб бормоқдалар, — дейди суҳбатдошимиз, профессор Маматқул Жўраев. — Руҳий-таҳлил услубининг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, бу метод асосида тадқиқотчи халқ поэтик тафаккури нафақат бадий-эстетик жараён сифатида, балки ижодкор

фольклор меросини ўқиш, ўрганиш, илмий тадқиқ этишга қизиқиш тобора кучаймоқда. Бундай интилиш натижасида фольклор меросимизга оид бир неча манбалар хорижий тилларга таржима этилиб, чет элдаги фольклор санъати шайдоларининг ҳукмига ҳавола этилаётди. «Малика айёр», «Ойчинор», «Рустамхон» дostonлари 2007 йилда Туркияда чоп этилди. «Алишер Навоий ҳақида ривоятлар» озарбойжон тилида, «Ипак йўли афсоналари» турк тилида, «Алпомиш» дostonи 2009 йилда рус тилида нашр этилиб, ўзбек фольклорини жаҳон миқёсида кенг оммалаштирилмоқда.

Бундай эзгу анъаналар фольклоршунослик соҳасидаги илмий алоқалар ривожига ҳам муҳим омил бўлаётди. Ҳозирги кунда ўзбек халқ оғзаки ижоди бир неча хорижлик олимларнинг ҳам илмий тадқиқот мавзусига айланди. Жумладан, Германиядаги Бонн университетининг профессори Карл Райхел ўзбек халқ дostonчилиги анъаналарини тадқиқ этди ва «Алпомиш», «Равшан» дostonларини немис тилига таржима қилди. Шу

руҳияти, кечинмалари ва онг ости хисларининг бадий талқин этилиш ҳолатлари ҳам ўрганилади. Бу эса фольклор материалларини турли илмий методлар асосида, ҳар томонлама, мукамал тадқиқ этишга имкон яратди. Шунингдек, ёшларимиз фольклоршунослигининг яна бир муҳим жиҳати — илмий тадқиқот билан бир қаторда тўғловчилик, архивлаштириш ва ноширлик фаолиятини ҳам баббаробар олиб боришмоқда. Улар ўз соҳаси билан бир қаторда чет тилларини яхши ўзлаштирганликлари туфайли интернет тармоғи орқали хорижий мамлакатлардаги илмий жараёнлар билан бевосита танишиш, ўзаро мулоқот ўрнатиб, тажриба алмашиш ва ўзимизда мавжуд илмий салоҳиятни жаҳон миқёсида кенг намойиш этишга хизмат қиломоқдалар.

Мамлакатимизда илм-фан соҳасида эришилаётган бундай ютуқлар ва халқ оғзаки ижодини юртимизда ҳамда чет элларда тарғиб этиш юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар самарасида қадимий ва навқирон байрамимиз Наврўз, шашмақом, катта ашула

қунларда Жанубий Кореянинг Сеул университети тадқиқотчиси Инкёнг О Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида "Алпомиш" ва "Жумонг" дostonлари юзасидан докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Илмий меросимизни ўрганиётган ҳар бир хорижлик мутахассис фольклоримизнинг рангбаранглик хусусиятлари, жанрларга бойлиги, юксак бадий салоҳияти ва зукко халқимизнинг яратувчилик кудратига таҳсин айтади.

Мамлакатимизда 2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофизат қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва ўлардан фойдаланиш давлат дастурининг қабул қилиниши буюмларда илмий ва амалий ишларни янада юқори босқичга олиб чиқиш, маънавий меросимизнинг ноёб дурдоналарини асл ҳолича асраш ва келгуси авлодларга тақдим этишга муҳим омил бўлаётди.

Ҳозирги кунда Фанлар академияси тизимида номоддий маданий мерос масалалари билан шуғулланувчи махсус бўлинма фаолиятини ташкил этиш, жаҳон но-

**Нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижда ҳам дунёдаги муҳташам қадриятлардан бири — ўзбек фольклор меросини ўқиш, ўрганиш, илмий тадқиқ этишга қизиқиш тобора кучаймоқда. Бундай интилиш натижасида фольклор меросимизга оид бир неча манбалар хорижий тилларга таржима этилиб, чет элдаги фольклор санъати шайдоларининг ҳукмига ҳавола этилаётди.**

йилларда фольклоршунослик соҳасида халқ оғзаки ижодининг ана шундай худудийлик хусусиятларидан келиб чиқиб тадқиқот ўтказиш усули ривожланмоқда. Бундай тадқиқотларда ёш олимларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти илмий ходими Латифа Худойкулова ана шундай истеъдодли ёш изланувчилардан бири. Сурхондарё вилоятининг Кумуўрган туманида туғилиб камолга етган ёш оlima айна пайтда она юрти Сурхондарё воҳасининг фольклор меросини ўрганиш, унинг худудийлик хусусиятларини очиб бериш ва халқимизнинг маданияти тарихи қадимийлигини илмий асослаш юзасидан илмий изланиш олиб бормоқда. Унинг илмий изланишлари натижасида Сурхондарё тўй маросимлари фольклорининг ўзига хос хусусиятлари, «ойна кўрсатар» удумининг этнофольклорий талқини, воҳода суннат тўйи маросимларида ижро этиладиган халқ кўшиқлари, фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ урф-одат ва расм-русумлар, ўзбек фольклоридан моёмолар култи каби муҳим мавзулар кенг қамровда чуқур ўрганилди. Ёш олиманинг бу тадқиқотлари натижалари жамланган "Сарчашмадан томган инжулар" китоби фольклоршунослик тарихига муҳим манба бўлиб қўшилди.

Ҳозирги кунда фольклоршунослик соҳасига қўйлаб ана шундай иқтидорли ёш тадқиқотчилар кириб келмоқда. Филология фанлари номзодлари Олимжон Қаюмов, Улғубек Сатторов, Фуқрат Нурмоновлар, стажёр-тадқиқотчи изланувчилар Шаҳодат Имомназарова, Феруза Маматқулова, Ҳамза Эшжонов, Муниса Жўраевалар шулар жумласидандир.

ва халқ ижодиёти асл ҳолича сақланган бетакрор худудлардан бири — Бойсун маданий муҳити ЮНЕСКОнинг жаҳон номоддий маданий дурдоналари рўйхатига киритилди. Юртимизда ва хорижда ўзбек халқининг оғзаки ижодий меросини ўрганишга эътибор кучаяётди.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ

Биз бугун шиддат билан ўзгариётган, глобаллашув жараёни тобора кучаяётган бир даврда яшамоқдамиз. Бунинг яхши томони билан бир қаторда глобаллашув ниқоби остида ҳаётимизга салбий иллатларни сингдириш, инсон онги-тафаккурини эгаллашга интилиш таъсири ҳам сезилиб қолмоқда.

Бу ҳақда Президентимиз Ислон Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига шундай таъкидлайди: **"Мана шундай вазиятда одам ўз мустақил фикрига, замонлар синовида ўтган ҳаётий-миллий қадриятларга, соғлом негизда шакланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли маънавий таҳдидларга, уларнинг гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона қўриқчилик таъсирига бардош бериши амримаҳол"**.

Қўйлаб маънавий қадриятларини сингари халқ оғзаки ижодий мероси ҳам ушбу маънавий таҳдидларга қарши иммунитетимизни мустаҳкамлаш, ўзликимизни асраш, ёшларни салбий иллатлар таъсиридан ҳимоялашга хизмат қилувчи муҳим омилдир. Шу боис, нафақат бизнинг юртимизда, балки хорижда ҳам дунёдаги муҳташам қадриятлардан бири — ўзбек

номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритилган объектларни инвентарлаштириш ва бахшичилик, халфаччилик, лапар, аския каби жанрларни бу рўйхатга киритишнинг илмий-амалий асосларини яратиш юзасидан кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Шунинг билан бир қаторда, ЎзР ФА Алишер Навоий номидagi Тил ва адабиёт институтида «Ўзбек фольклорини ёдгорликлари» юз йилдигини яратиб ишлари жадаллашмоқда. Ҳозир ушбу нашрни яратиш буйича лойиҳа ва асосий йўналишлар ишлаб чиқилди. Ушбу тўпламга институт Фольклор архивида сақланаётган материалларнинг танланган вариантлари кирди.

Шунингдек, давлат дастурида юртимизнинг қадимий фольклор санъати ва анъанавий ижрочилиги сақланиб қолганин Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона водийси бўйлаб комплекс фольклор экспедициялари уюштириш вазифаси белгиланган. Бу жараёнда хорижда яшаётган ўзбекларнинг фольклор меросини ёзиб олиш ва ўрганиш буйича илмий изланишлар олиб бориш масалалари ҳам қамраб олинган.

Айна пайтда олимларимиз ушбу лойиҳаларни амалга таъбиқ этиш мақсадида Фарғона водийсига фольклор экспедицияси уюштиришга ҳозирлик қўрмоқдалар. Бир сўз билан айтганда, тафаккури теран аҳдоқдорлими яратган фольклор санъати битмас-туганмас бебаҳо маънавий хазина. Бундай барҳаёт ва беназир хазинага эга халқ кудратлидир.

Баҳор ХИДИРОВА

# Ўзбек рақслари

КАДИМ ХИТОЙ ИЖОДКОРЛАРИ НАЗАРИДА

**Юртбошимиз Ислон Каримов Хитойга расмий сафари вақтида ўзбек-хитой алоқалари узоқ ўтмиш даврларга бориб тақалишини таъкидлади.**

Дарҳақиқат, ҳар икки мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари кўп асрлар илгари шаклланиб, қизгин тус олган вақтлари бўлган. Бу борада ўзбек санъати усталарининг, ҳозирги тил билан айтганда Хитойга гастроллари диққатга сазовордир. Марҳум М.Раҳмоновнинг китобида кўрсатилганча милодий VII-VIII асрларда ўзбек мусиқаси, театри ва хореография санъати Хитойда зўр қизиқиш ва мамнуният билан қарши олинган. Айниқса, ўзбек рақслари томошабинларни ҳайратлангирган ва завқлангирган. Хатто Бо-Цзю-И ва Юань-Чгнан сингари шоирларнинг илҳоми жўш уриб, ватандошларимизни хуски номи билан атаб, уларнинг ўйинига бағишлаб шеърлар ёзганлар:

**Раққоса! Раққоса!**  
**Юраги созга ҳамоҳанг!**  
**Дўмбиранинг измида қўллар,**  
**Оҳанг ва Соз учар осмонга,**  
**Икки енг ҳам кўкка интилар.**  
**Қор қуюни айланган осмон.**  
**Раққоса ҳам ҳарир либосда —**  
**Пилдирларди, чир айланар бот.**  
**Ўнг томон эплар, сўлга айланар**  
**Билармикин чарчаш, ҳоришни!**  
**Инсонлар ичида йўқдир ўхшаш**  
**Товусга ўхшатсанг қилади камлик!**  
**Шамолу қуюн ҳам қувиб етолмас,**  
**Араванинг гилдираги унинг каби тез,**  
**Чир айланолмас, чир айланолмас!**  
**Куй туғайди, эгилар қулиб —**  
**Раққоса яна.**  
**Фарзандини қутлагандек мунаввар осмон**  
**Император нигоҳ ташлаб,**  
**Жилмаяр унга!**

Ушбу рақс ниҳоятда моҳирлик билан ижро этилганлиги, у бугунги кундаги рақсга жуда ўхшашлиги кўриниб турибди. Демак, бизлар томоша қилаётган бугунги рақслар бундан юз йиллар илгари шакланган экан. Рақс шу даражада усталик билан ижро этилганки, хатто Хитой императорини ҳам завқлангирган. Шоир Яю - Ян - Шининг ўзбек рақсига берган баҳоси ҳам ўта қимматбаходир. У тошкентликларни Шиго номи билан атаб, шундай деган:

**Шиго шаҳрининг ёшларини тенги топилмас,**  
**Топилмаши одамлар улгарга тенгдош**  
**Тиззаларини буқишиб оёқ учда —**  
**Рақсга тушар, қўлида лиммо-лим қадоқ,**  
**Бошларида ажнабий қалпоқ,**  
**Силкинади учли полуғи**  
**Устидачи? Майин жундан тўқилган —**  
**Ярашган хиқ кийими.**  
**Енглари тор ва узун!**  
**Узун турган лаганин ўйнатар, иргитар,**  
**У фарба боқади, эслар ўсган юртини,**  
**У манзилнинг йўллари олис.**  
**Сақраб-сақраб айланар, жиринглатар —**  
**Кўнгироқли камарин у.**  
**Оёғида хипча этик, тиззасини —**  
**Минг куйга солар.**  
**Ўтирганлар чурқ этмайди, кўзларин узмас ундан**  
**Ди ва Пипа чалаётган созандалар бошларини эгиб**  
**Унга зўрга етишиб олишар.**  
**Қордай оппоқ гилам устида**  
**Жазаваси тутиб ўйнар тизалаб, учиб...**  
**Шамолга гуллар учиб тушар қирмиз**  
**Шамлар устига...**  
**Шароб битди, ўйин тўхтар созла жим қолар,**  
**Фарб томондан гуллараро кўринади ой!**

Бу шеърда тасвирланган рақс ҳозирда унутилган, албатта. Буни қарангларки, ватандошларимиз бундан бир неча юз йиллар илгари оёқ учда ўйнашни жорий этган эдилар. Бу рақс санъатидаги кашфиёт эди, албатта. Ахир, оёқ учда ўйнаш бугун биз томоша қилаётган балетнинг худди ўзи-ку. Бошқа бир шеърда ҳам ўзбек рақси кўкларга кўтарилиб мақталган:

**Бу дунёда хуқ рақсининг —**  
**Маъносини қаҳолмас ҳеч ким!**  
**Мен хуқ рақсин ўйинчисин ҳам**  
**Сизлар учун тасвирлаб берай:**  
**Соч қирқилган, тишларичи,**  
**Қировдек оппоқ!**  
**Чарх урганда олов халқа жилолангандай.**  
**Йўқ! Осилди турган каби лоларан қўёш**  
**Учган каби самовотда куйруқли юлдуз**  
**Ялтирайдиг аждар шакл-марварид сирга**  
**Бошидаги нозик рўмол камалак рангда**  
**Янграйди чақмоқ мисоли...**  
**Денгизлардан наҳанглар ҳам ўртанар пинҳон:**  
**Ҳасратидан чайқалади денгиз тўлқини!**  
**Шамол қайтар самовотдан**  
**Тўқилади нур тангалари...**  
**Ҳаракат ўнг мингтамоқ? Ажратмоқ кийин —**  
**Қайда уни бошланиши, қайда охири?**  
**Раққоса чир айланганда пайқаш маҳолдир.**  
**Юзи қайда, кўкси қайда,**  
**Қайда кураги, қайда юраги!**

Ўзбек рақслари шоирларни ҳам шу даражада завқлангирганки, ана шундай ажойиб шеърлар ёзилган. Хитойлик ижодкорлар шеър воситасида ўзбек санъатига бўлган меҳри ва ҳурматини ифода этганлар. Академик М.Раҳмонов шеърларини ўзбек тилига таржима қилдириш билан бир қаторда ўзбек созанда ва раққосаларининг кийим-бошлари ҳақида ҳам қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган. Самарқанд созандалари бошларига қора шойидан рўмол ўраганлар, камзуллари эса қора қизил шойидан тикилган. Раққосаларнинг баъзилари қизил ёқали камзул кийганлар. Унинг энги зангор шойидан тикилган. Лозимлига турли гул нақшлари чизилган. Қизил этик кийиб, белларини қимматли тошлар билан безатишган оқ камар билан боғлаганлар, тилла тақинчоқлар таққанлар. Баъзан энгари баҳиялик тўқ қизил шойидан қўйлак, зангори шойидан ҳошиялик лозим, қизил этик кийганлар. Қўйлакларининг ёқаси ва этағига заррин жияк тақилган. Раққослар ўйинида иккита най, катта ва кичик ногора, битта мис тарелка жўр бўлган. Улар думалоқ курра устида ҳам ўйнаганлар. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мана минг йилдан ошдики, ўзбек рақслари ҳақида ҳали шеър тўқилгани йўқ. Бу хусусда Хитой шоирларининг шеърлари яққо ягона қимматли манбадир. Улар ўзбек санъатининг тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда ўтмишда яшаган созанда ва раққосаларнинг кийимлари ва ўйинларини тиклашда муҳим ўрин тутиши аниқ.

Ҳамид ЗИЁЕВ, профессор



# ХАЛҚАРО ҲАЁТ



## Тошқин тинди

**Бангкокда сув тошқини тинди, бироқ, аҳолининг норозилиги сўнадиғанга ўхшамайди.**

Таиланд пойтахтидан шимоли-шарқда жойлашган шаҳарлар аҳолиси барча кучни фақат Бангкокка ташлаётган ҳукуматдан норозидир. Манбада келтирилишича, айна пайтда ана шу ҳудудлардаги бутун бошли турар-жой мавзелари сув билан тўлган. Фермалардан қочган тимсоҳ, илон, шунга ўхшаш судралиб юрвучи ҳайвонлар эса қуруқ жой йўқлигидан одамларнинг уйларига кириб олишаётган экан. Ҳисоб-китобларга қўра, бу ердаги тошқин талофатларини бартараф этиш учун бир неча миллиард доллар керак бўлади.



## Самолётлар яна учади

**Австралиянинг Qantas авиакомпанияси ва касаба уюшмалари ўртасидаги можарога нукта қўйилди.**

Ўтган яқшанба куни суд қарори билан авиакомпания раҳбарияти ва касаба уюшмалари ўртасидаги қарама-қаршилик ниҳоят барҳам топди. Масаланинг ижобий ҳал этилишида ҳукуматнинг ҳам қўли бор, албатта. Мамлакат бош вазири Жулия Гилларднинг таъкидлашича, ҳукумат аралашуви туфайлигина иш жойидан силжиган. Ҳукумат суд қароридан мамнун. Чунки, энди самолётлар яна само узра уча бошлайди, авиакомпания ходимлари эса ўз ишига қайтади. Эслатиб ўтамиз, бир неча ой давомида Qantas авиакомпанияси менежменти ҳамда касаба уюшмалари ўртасидаги можаро ходимларнинг ойлук маоши ва Осиё-Тинч океани йўналишидаги янги халқроқ авиарейслар туфайли келиб чиққан эди.



## Рекорд натижа

**АҚШнинг шарқий қирғоқларига ёғилган қор бўрони саккиз кишининг ҳаётига зомин бўлди.**

Мамлакат тарихида биринчи бор октябрь ойида ана шундай қалин қор ёққани кузатишган. Қор бўрони ўтган шанба куни бошланган. Яқшанба куни эса ерга тушган қор қалинлиги 80 сантиметрни ташкил қилган. Бундай рекорд натижа Нью-Гемпшир штатида қайд қилинган. Корнинг ҳўллиги боис, электрузатувчи симлар жиддий шикастланган. Айна дамда 3 миллионга яқин аҳоли чироксиз қолган. Шунингдек, кўчалар қор ююларига тўлган, йўл ҳаракати эса тамоман издан чиққан. Авио ва темир йўл рейслари вақтинчалик тўхтатиб қўйилган.

## Қайтиб олинди

**Дунёдаги иррик BMW немис автоконцерни томонидан ишлаб чиқарилган 32 мингдан зиёд автомобилда носозлик борлиги аниқланди.**

Маълум бўлишича, АҚШга сотилган ушбу автомобилларда ёрдамчи гидронасос ишини назорат қилувчи тизим носозлиги қайд этилган. Шу боис, компания 5-сериядаги BMW, GT, 7-сериядаги BMW, шунингдек, 2008-2011 йиллар мобайнида ишлаб чиқарилган X5 ва X6 йўлтанламаслари, 8 ва 12 цилиндрли турбодвигателли машиналарнинг қайтиб олиниши маълум қилмоқда. Компания мутахассисларининг таъкидлашича, ушбу носоз машиналар вақтида қайтиб олинмаса унинг мотор қисмида ёнгин қиқш хавфи бор экан.

Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

## БИЗНИНГ ШАРҲ

# Сайёрамиз аҳолиси 7 миллиард нафарга етди



ликдир. Одамзод ҳар дақиқада ўртача саккиз литрдан ҳаво ютадиган бўлса кунлик кўрсаткич 80,6 триллион литрни ташкил этади. Оқибатда 3,85 триллион литр кислород углекислота газига айланади. Инсоният кунига 15,4 триллион калорий озик-овқат тановул қилса, тахминан 7 мингта олимпия сув ҳавзасига тенг обиҳаётга эҳтиёж сезилади. Яна бир қизиқ маълумотга эътиборингизни тортсақ, курраи заминда умргузаронлик қилаётган шахсининг бири билан қисқа муддатли саломлашиши учун 222 йил вақт кифоя қилади. Бордию бутун Ер аҳолиси бир жойга концерт томоша қилиш учун тўплангудек бўлса, уларга 2,9 минг квадрат километрик майдон керак бўлади. Бир сафга тизиладиган бўлса, у ҳолда 7 миллион километрик жонли занжирсимон деворни ҳосил қилишлари мумкин. Ана шу масофа Ер атрофини 175 маротаба айланиб ўтиш ва Ойга 9 маротаба бориб келиш учун етарлидир. Демограф олимлар айрим мамлакатларда туғилиш даражасининг ўсиб бораётганлиги, бошқаларда эса бу кўрсаткич кескин сурыатда пасайиб бораётганлигидан хавотирлик билдирмоқда. Масалан, Японияда 60 ёшдан юқори бўлган фуқаролар сони 30 фоизга ўсган бўлса, 2050 йилга бориб бу кўрсаткич 42 фоизга ошади. БМТ томонидан тайёрланган ҳисоботга қўра, 2050 йилга бориб Ер юзи аҳолиси 8,1-9,3 миллиардгача ортиши тахмин қилинмоқда. 2100 йилда эса аҳоли 10,1-10,6 миллиардга ортади. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1804 йилга келиб аҳоли сони бир миллиардлик довонни эгаллаган. Одамлар сонининг икки ҳисса кўпайиши учун 125 йил вақт керак бўлди. 1800 йилдан то 2011 йилгача аҳоли сони қарийб етти бараварга ўсди. БМТ ҳисоб китобига қўра жорий йилда сайёрамизда 135 миллион нафар одам дунёга келиб ўз навбатида 57 миллион нафари ҳаётдан ўтади. Демак йиллик ўсиш 78 миллиондан ташкил этади. Аҳоли сонини ўсиши бўйича Хитой ва Ҳиндистон ҳамон етакчилик мавқеини сақлаб турибди. 40 йилдан сўнг бу икки ривожланаётган мамлакат ўз ўринлари билан алмашади. 2050 йилда Ҳиндистон аҳолиси 1 миллиард 690 миллион, Хитойники эса 1 миллиард 300 миллион атрофида бўлади. Россия ва Япония аҳолиси жиҳатидан етакчилик қилаётган 10 та мамлакат рўйхатини тарқ этади. БМТ тахминига қўра, аҳоли асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига ўсиб боради. Олимпиянинг кўп йиллик мазлишилари шундан далолат берадики, сўнгги 40 йил ичида дунё

**Россиянинг Калининград шаҳрида дунёга келган — янги меҳмон Пётр Алексеевич Николаев БМТ томонидан шартли равишда Ер юзининг 7 миллиардинчи инсони сифатида эътироф этилди. БМТ кузатувчилари ва шифокорлар боланинг маҳаллий вақт билан 00 дан 2 дақиқа ўтганда туғилганини эълон қилди. Чақалоқнинг онасига 7 миллиардинчи чақалоқ туғилганлиги тўғрисидаги сертификат топшириди. Кўпчиликни нима сабабдан айнан Калининградда 7 миллиардинчи фуқаронинг қайд этилиши масаласи қизиқтира ажаб эмас.**

Нью-Йоркдаги БМТ бош қароргоҳида сўзга чиққан бош котиб Пан Ги Мун дунё аҳолисининг 8 миллиардлик довонга қадам қўйиши инсоният олдига қатор муаммоларни келтириб чиқаришига ҳам эътибор қаратган. Умуман олганда, бутун инсоният тарихида, яъни 162 минг йил давомида Ер юзида 107 миллиарддан ортиқ одам дунёга келган. 2030 йилга бориб инсон эҳтиёжларининг ўлик қондириш учун иккинчи сайёрага муҳтожлик сезилади. Бу ҳақда Бутунжаҳон ёввойи табиат жамғармасининг йиллик ҳисоботида тўхталиб ўтилган. Агарда инсоният табиий ресурсларга нисбатан ўз муносабатини ўзгартирмас экан, яна 20 йилдан кейин ана шундай йўл тутишимизга тўри келади, деди ушбу жамғарма директори Евгений Шварц. Дунё тадқиқотчиларининг фикрига қўра, ҳозирги кунда тахминан 50 га яқин мамлакат ичимлик суви таъминотида қатор қийинчиликларга дуч келмоқда. Миллионлаб одамлар очарчилик азоби-тортмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан муқобил ёқилғи сифатида фойдаланилаётганлиги ҳам озик-овқат муаммосини келтириб чиқараптир. Буларнинг барчаси иқлим ўзгариши билан чамбарчас боғ-

Калининградда БМТ аҳоли-шунослик жамғармасининг тақдироти ўтаётганлиги боис айнан ушбу шаҳар танлаб олинган. БМТ Бош котиби ана шу санани кенг миқёсда нишонини билан бирга глобал муаммоларни ҳал этиш мақсадида кенг жамоатчилиқни, ҳукумат вакиллари, олимларни, тадбиркору диний уламоларни жалб этишга жазм қилди. Лекин бошқа мамлакатлар ҳам ўз ҳудудида сайёрамизнинг 7 миллиардинчи инсони туғилганини даъво қилмоқда. Филиппин пойтахти Манилада Даника Мэй Камачонинг туғилиши муносабати билан катта байрам тантаналари бўлиб ўтди. БМТнинг ҳудудий бўлими унинг ота-онасини табриқлаб, пулмукофоти беришди. Гудакнинг

ота-онаси ушбу маблағни фарзандини ўқитиш ва дўконча очишга сарфламоқчи. Ҳиндистондаги инсонпарварлик ёрдами билан шуғулланувчи ташкилот ҳам ана шундай байрамни нишонлади. Буюк Британияда жойлашган "Плен Интернешнл" ташкилоти Уттар-Прадеш штатининг унчалик катта бўлмаган аҳоли пунктида дунё юзини кўрган Наргис исмли қизни она заминимизнинг 7 миллиардинчи одами деб эълон қилди. БМТ бош котиби 7 миллиардинчи инсоннинг дунёга келиши муносабати билан душанба куни матбуот анжумани ўтказди. Фарб матбуоти сайёрамиздаги 7 миллиардинчи аҳолини аниқлаш бу рамзий тадбир бўлиб, унинг айнан қимлигини аниқлаш қийин эканлигига ургу бер-

## РАНГИН ДУНЁ

**Ўтган асрнинг 40-йилларида Коста-Рика тропик ўрмонларидан тасодифан топишган гаройиб тошлар бугунги кунда ҳам инсониятни ҳайратга солишда давом этмоқда. Олимлар унинг сирини аниқлаш мақсадида қатор тадқиқотлар ўтказишдан сира чарчашмаяпти.**

Ўшанда «Юнайтед Фрут» компаниясининг ишчилари банан плантациясини барпо этиш мақсадида Коста-Рика чакалзорларини тозалаётган пайтида баҳайбат думалоқ тошларга дуч келишган эди. Улар аниқлаган тошларнинг кичиги 10 сантиметр, энг йириги эса 3 метргача бўлиб, оғирлиги 16 тонна чиққан. Энг қизиги, шарсимон тошлар устма-уст тахланган бўлиб, қолганлари эса тўп-тўп қилиб йиғилгани боис геометрик шакллари ҳосил қилган. Ҳатто, у ерда атайин тўртта думалоқ тош Шимолга қарата тахланганини кўриш ҳам мумкин. Ваҳоланки, бундай тошларни ўша даврда турган жойидан силжитиб бўлмаган.

### «ОНГЛИ» ВУЛҚОНЛАР


Швейцариялик кинорежиссёр Эрих фон Дёникен ушбу шарсимон тошларни худоларнинг футбол ўйнайдиган қолтоғи дея ҳазилга йўган бўлса, геологлар уни вулқон маҳсули дейишмоқда. Аммо, мутахассислар бу назариянинг тўғрилигига унчалик ишонч билдиришаётганга

### ЯНА БИР ЖУМБОҚ

Қарангки, думалоқ тошларнинг нафақат келиб чиқиши, балки ёши ҳам маълум эмас. Тарихий маълум-

# Қадимги думалоқ тошлар

ХАНУЗГАЧА ОЛИМЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛИБ КЕЛМОҚДА



мотларда қайд этилишича, ушбу тошлар эраимиздан аввалги 200 йилдан 1500 йилга қадар пайдо бўлган. Кўпчилик мутахассислар эса тошлар хатто бундан-да қадимийроқ, деб ҳисоблашмоқда.

Тошлар сир-синоатга ниҳоятда бой эканлигини яна бир жумбоқдан англаш мумкин. Айтишларича, тошлар яратилган тахминий жойдан

ўнлаб километр узоклиқдан топишган. Энг ҳайратлиси, ботқоқлик сўқмоқларидан ва чакалзорлардан қандай қилиб баҳайбат тошлар олиб ўтилгани эътиборни тартади.

### ОДДИЙ МЎҶИЗА

Коста-Рика мўъжизаси хусусида-

ги илк тадқиқот археолог Дорис Стоун томонидан ўтказилган эди. У ўз баённомасида, "биз мегалит сирларига мўъжиза сифатида ёндашишимиз лозим", деб ёзган. Кейинчалик, Дориснинг фикрини бошқа олимлар ҳам маъқуллаган.

Тадқиқотчи олимлардан ташқари яна бир қанча саргузашт ишқибозлари ҳам думалоқ тошлар устида

тадқиқот олиб боришган. Айтишларича, улар шар ичида олтин беркирилган деган афсонага ишониб, бир қанча шарларни портлатишгача боришган. Айримлар эса тошларни денгиз қирғоқлари ёки олдиндан тайёрланган ўраларга қулатиб ичинини ёриб ҳам кўришган.

Маълумотларга қараганда, ана шундай ажабтовор тошларни Коста-Рикадан ташқари дунёнинг бошқа ерларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, археологлар томонидан Мексиканинг Ауалалукка шаҳри, Гватемаланинг Гвадалахара қишлоғи ҳамда Янги Зеландия қирғоқларидан тошқотган шарсимон тошлар топишган.

Қолаверса, келиб чиқиши номаълум бўлган тошлар 2008 йилда Иркутскда ҳам аниқланган. Жерон кўмиркони ишчилари эксковаторда ер қатламини очишганида у ердан бирин-кетин гаройиб тошлар думалаб чиққан. Энг ҳайратлиси, бу тошларнинг деярли барчаси бир хил шаклда ва ҳажмида бўлиб, устига ишлов бериб силлиқлангани билиниб турарди. Мутахассислар Коста-Рикадан аниқланган тошлар наҳот шу ергача етиб келган бўлса, дея изланишларда яна давом этишмоқда. Эҳтимол, сирли тошларнинг ватани Коста-Рика ҳам эмасдир. Бироқ, ҳозирча думалоқ тошлар ҳамон жумбоқлигича қолмоқда.

# КЎЗГУ

«ART WEEK STYLE.UZ-2011»

## Яқун. Таассурот ва хулосалар



йўқ. Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини изчил ривожлантириш, соҳа мутахассисларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу биз учун сўнгги бекаат бўлмастлиги керак. Чунки ҳали бундан-да катта ютуқларга эришишимиз шубҳасиз.

“Энг яхши қисқа метражли фильм” эронлик ёш режиссёр Шахрам Моқрининг “Хом, пиширилган, куйдирилган” номли, “Энг яхши тўлиқ метражли фильм” номинациясига эса режиссёр Зулфиқор Мусоқовнинг “Кўрғошин” номли фильми муносиб топилди.

### Зулфиқор МУСОҚОВ, режиссёр:

— Бу кинофорум мени, аввало, устозларим, дўстларим билан учрашганимни учун ҳам қадрли. Кўплаб хорижлик ҳамкасбларим билан суҳбатлашдим. “Кўрғошин” деб номланган киноасаримизни “Энг яхши тўлиқ метражли фильм” деб топшиганимни учун бизни томоша қилган ва ижодимизга юксак баҳо берган барча кинофорум иштирокчиларига, Фонд Форумга, барча-барчада катта раҳмат айтаман. Бу таъдир янада ғайрат билан ижод қилишимизга туртки беради.

Шунингдек, “Энг яхши анимацион фильм” номинациясига германиялик режиссёр Верена Фелснинг “Мобиль” деб номланган мультфильми сазовор бўлди. “Энг яхши режиссура” ва “Энг яхши аёл роли учун” номинацияларига эса Чанг Цо-Чи (Хитой Тайпейи) ҳамда россиялик Полина Кутепова лойиқ қўрилди. Шу билан бирга яна бир қатор фильмлар муаллифларига ҳам ташкилотчиларнинг махсус дипломлари топширилди.

### Лола ЭЛТОЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— “Олтин Гепард” Тошкент халқаро кинофоруми, айниқса,

ёш ўзбек ижодкорлари учун катта имконият эшикларини очади, десак тўғрироқ бўлади. Қолаверса, у катта байрамга айланиб кетди, кўплаб ижодкорларни бир жойга тўплади. Тажриба алмашдик. Янгиликлар билан танишдик. Янги фильмларни томоша қилдик. Хулоса қилиб айтганда бу кинофорумни анъанавий бўлиб қолишини истардик. Барча ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимизни билдираемиз.

### Theatre.uz/2011 халқаро театр фестивали

“Theatre.uz/2011” иккинчи халқаро театр фестивали “Style.uz-2011” санъат ҳафталиги доирасида ўтказилди. 10 кун мобайнида 28 та сахна асарни томошабин ва мутахассислар эътиборига ҳавола этилди. Мазкур театр байрами Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш биришмаси, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ва Ўзбекистон ёшлар театри ҳамкорлигида ташкил этилди. Санъат ҳафталигининг тўртинчи кунинда фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, театр ва санъат арбоблари, таниқли режиссёр, драматург ва актёрлар қатори жюридаги халқаро ташкилотлар ва хорижий дипломатик корпус вакиллари, турли мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар, ОАВ ходимлари иштирок этди. Бу фестивалдан қўзланган мақсад, истиқлол йилларида мамлакатимиз театр санъатида эришилган ютуқлар билан хорижлик мутахассислар ва ҳамюртларимизни яқиндан таништириш, келгуси режалар ва ҳамкорлигининг янги қирраларини кашф этишдан иборат бўлди.

Фестиваль ранг-баранг, ёрқин ва қизиқarli воқеаларга бой ўтди. Тошкентдаги театр сахналарида мамлакатимизда-



ги ижодий жамоалар қатори Буюк Британия, Озарбойжон, Россия, Украина, Исроил, Германия каби мамлакатлар театрлари ўз асарларини томошабинлар ҳукмига ҳавола этишди. Шунингдек, театр фестивалининг ёпилиш маросимида миллий ва сахна либосларининг намоиши ҳам бўлиб ўтди.



### Омонулла РИЗАЕВ, “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш биришмаси бош директори:

— Театр фестивали, Фонд Форумнинг бошқа тадбирларини кўриб шуни эътироф қилишимиз керакки, Ўзбекистон бугун том маънода минтақадаги маданият, маънавият, санъат марказига айланиб улгурди. Бу тадбирлар, аввало, ёшларимизни тарбиялаш, тафаккурини тўғри шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Биз кино, театр постановкалари, мода ва дизайн олами билан яқиндан танишдик. Пойтахтимиз театрларида кўйилган ўзимизнинг “Лайла ва Мажнун”, “Она”, “Эгизаклар”, “Майсарининг иши” сингари пьесаларимиз хорижлик санъатшунослар томонидан юқори баҳоланди. Шу билан

бирга таниқли театр арбобларининг маҳорат дарслари ҳам ташкил этилди. Бу эса, айниқса, ёшларимиз ижодига катта туртки бериши шубҳасиз.

Энг муҳими бу нуфузли фестивалда 5 та вилоят театрларининг жамоалари ўзларининг спектакллари билан иштирок этди. Бу фестивал Ўзбекистон театр санъатининг халқаро майдонда танилишида театр ижодкорлари маҳоратининг сайқал топиши ва ўзларини тўлиқ намойиш қила олишлари учун жуда катта майдон, мактаб ва сабоқ бўлди дея олиш мумкин.

Санъат ҳафталиги доирасида ташкил этилган матбуот анжуманида йилгиланлар, хорижлик меҳмонлар, ОАВ ходимлари ташкилотчиларнинг бугунги фаолияти ва келгуси режалари ҳақидаги фикрлари билан танишдик. “Style.uz-2011” ёрқин ранглари, қизиқarli учрашувлари билан кўпчиликни ҳайратга солгани, санъат ҳафталигининг кўлами, ҳажми ва иштирокчилари ортти бораётгани таъкидланди. Шу билан бирга Фонд Форум фаолиятига бағишланган янги китоб тақдими ҳам бўлиб ўтди. Унда Фонд Форум тадбирларининг доимий иштирокчиси — Лондон университети доктори Ширин Акнер ҳам ўз таассуротлари билан қатнашди. У Фонд Форумнинг бундай фаолияти бошқа давлатлар учун ҳам тажриба намунасини ўтайди, деган хулосани билдирди.

Режалар кўп. Уларнинг барчаси юртимиз маданияти ва санъатини ривожлантириш, халқаро алоқаларни янада жонлантиришга қаратилган. Бу йилги “Style.uz-2011” санъат ҳафталиги ўзининг дастури ва лойиҳасининг қизиқarliлиги билан ҳам кўплаб иштирокчиларни ҳайратга солди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси эса бундай лойиҳаларни амалга оширишда давом этади.

**Эркин ЙЎЛДОШ,**  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Ҳасадгўйга берилган антиқа жазо

Юнон афсоналари қаҳрамони Геракл подшо Еврисфейнинг буйруғи билан нариги дунёга бориб қолади. Пахламон у ерда сувлари тип-тиник бир дарёни кўради. Дарёнинг ўртасида бир одам турган экан, сув унинг елкасидан келаркан. Аммо ҳалиги одамнинг ташналиқдан лаблари тарс-тарс ёрилиб, тили оғзига сиғмай қолган экан. У сув ичман деса сув дарҳол пасайиб, йўқолиб, ер остига кириб кетар, дарё қуриб қолар экан. Кейин сув яна пайдо бўларкан, ҳалиги одам ичмоқчи бўлган заҳоти яна юқоридаги ҳодиса такрорланаркан. Қирғоқдаги фарқ пишган мевали дарахлар ҳалиги кишининг устига эгилиб турар, хил-хил пишган олтиндай узумлар бошига тегай-тегай деб тураркан. Аммо ҳалиги одам ўлгудек оч экан, мевалардан бирортасига қўл чўзган замони мевали шохлар ундан қочиб, баланд кўтарилиб кетар, узумлар ҳам ўзига етказмас экан.

Бу одам ўзининг ўта очкўз ва ҳасадгўйлиги учун Зевс томонидан юқоридаги жазога мустаҳқил этилган Сицила шохни Тантал экан.

### БИЛАСИЗМИ?

Хитойдаги чайнак кўринишидаги музейнинг баландлиги 73,8 метр бўлиб, умумий майдони 5000 квадрат метрни ташкил қилади.

1989 йили Пхеньян (Шим.Корея) шаҳрида қурилган Биринчи май номли стадионга 150 минг томошабин сиғади. Унинг баландлиги эса 8 қаватли бинога тенг.

### ТУРФА ОЛАМ

## Бронза асридан “туҳфа”

**БУЮК БРИТАНИЯДА БРОНЗА АСРИГА ОИД ҚАДИМИЙ АШЕЛЛАР ТОПИЛГАН.**

Янаям аниқроғи, археологлар Пембрукшир графлиги ҳудудида бир неча меҳнат қуроллари, ованжомлари, қурол-аслаҳа ва ошхона буюмлари борлигини қайд этишган. Тарихий қий-магга эга 19 та буюмдан иборат ноёб коллекция Уэльс миллий музейи томонидан сотиб олинishi кутилмоқда. Айтишларича, сотувдан тушган пуллар қадимий ашеёлари биринчи бўлиб топган икки инсон ва заминдор ўртасида баб-баробар бўлинади.



## Митти камера

**АМЕРИКАНИНГ НАММАШЕР SCHLEMMER КОМПАНИЯСИ ДУНЁДАГИ ЭНГ МЎЪЖАЗ ФОТОАППАРАТ ЯРАТДИ.**

Инсон бармоғидек келадиган фотоаппаратнинг ўлчами бор-йўғи 2,5 сантиметр бўлиб, уни йўқотиб қўйиш ҳеч гап эмас. Шунга қарамай, митти камера яқин орада Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, бундай фотоаппарат оддийсидан умуман фарқ қилмайди. Унинг ёрдамида нафақат фото, балки видеога олиш ҳам мумкин. Митти камера омма меҳрини қозонгач, катта миқдорда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.



## Спрей-витамин

**ОЛИМЛАР ТАБЛЕТКА КЎРИНИШИДАГИ ВИТАМИНЛАР ҲАМ БОСУВЧИ СПРЕЙ КАШФ ҚИЛИШДИ.**

Маълумки, кўпчилик дори ичишни унчалик хушламайди. Спрей витаминлар худди ана шундай инсонлар учун мўлжалланган. Одатда, таблеткалар ошқозон-ичак тизими орқали парчаланиб, сўнг, қонга сўрилади. Спрей эса аксинча тил остига пуркалган, тезда қонга сўрилади бошлайди. Оддий витаминларнинг таъсири салкам бир соат ичида билинса, спрей атиги 10 дақиқада ўз кучини кўрсатар экан. Қолаверса, спрей-витаминларда ножўя таъсирлар кузатилмаган. Муҳими, ундан фойдаланиш осон ва қулай.



## Табий шоколад

**АНГЛИЯЛИК ҚАНДОЛАТЧИЛАР ХУШБЎЙ ГИЁХЛАР ТАЪМИНИ БЕРУВЧИ ШОКОЛАД ТАЙЁРЛАШДИ.**

Айтишларича, ушбу шоколад таркибида ясмин, атиргул, зъфарон ва сомон каби гиёҳлар мавжуд экан. Ҳозирда антиқа шоколад беш юлдузли Coworth Park меҳмонхона дўконидан сотилмоқда. Кўпчиликнинг қизиқлигини уйғотган табиат ифориға бой шоколад турли хил қўшимчалар билан ҳам бойитилган. Наҳотки, шоколад таркибида ўт бўлса дерсиз? Албатта, бор. Фақат унинг таркибидаги гиёҳлар ниҳоятда майдалиги боис, уни кўз орқали фарқлаш қийин. Бунинг учун уни еб қўриш лозим бўлади.

**З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади**



шимиз учун барча шарт-шароитларни яратиб бераётган Юртбошимизга катта раҳмат. Насиб қилса келгуси йили

Лондон шаҳрида ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам голибикни кўлга киритишга ҳаракат қиламан.

Октябрь ойининг сўнги 10 кунини пойтахтимиз Тошкент дунё маданияти ва санъати марказига айланди, десак янглишмаймиз. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан таниқли кино, театр, тасвирий санъат, фотосуратчилар, модельер ва дизайнерларнинг ташриф буюрганилигини кўриш кишини хурсанд қилади. Уларнинг баъзилари биринчи мартаба иштирок этаётган бўлса, баъзилари учун бу анъана тусини олмақда. Ҳафталик давомида “Олтин Гепард” биринчи Тошкент халқаро кинофоруми, Theatre.uz/2011 2-халқаро театр фестивали, замонавий санъат халқаро биеналеси, машҳурлардан маҳорат дарслари, матбуот анжуманлари, 9 та хорижий ва 3 та миллий либослар намоиши ва бошқа кўплаб тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтди. Буларнинг бари Style.uz санъат ҳафталигининг кўлами ва нуфузи, иштирокчилар доираси кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Куни кеча яқунланган “Art Week Style.uz-2011” санъат ҳафталиги “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан амалга оширилган энг катта лойиҳалардан бири эканлигини, мустақиллик йилларида мамлакатимизда кино, театр, тасвирий санъат, мода ва дизайн каби йўналишларда нақадар улкан ютуқлар қўлга киритилганини кўрсатиб турибди. Нуфузли анжуманда иқтидорли ёшларимиз жаҳоннинг таниқли маданият ва санъат арбоблари, модельерлар ва дизайнерлари билан бирга ижодий ишларини намоиш этганлиги ҳам қувонарлидир.

Санъат инсон маънавиятини юксалтиришга хизмат қилиши лозимлиги, айниқса, “Олтин Гепард” кинофоруми кунларида яққол сезилди. Хориж киноси ва ўзбек кинематографияси усталари иштирокидаги учрашувлар ва мулоқотлар, кинотакдимотлар қўрилган натижаларни берди. Танлов якунига кўра, “Энг яхши эркак роли учун” номинациясигада таниқли режиссёр ва актёр Нозим Тўлахўжаев голиб деб топилди.

### НОЗИМ ТЎЛАХЎЖАЕВ, “Энг яхши эркак роли учун” номинацияси голиби:

— “Олтин Гепард” кинофорумида ижодим юқори баҳоланганидан хурсандман. Бунга ўзбек миллий киносининг эътирофи, деб айтиш мумкин. Биз бу ютуқларга ўз-ўзидан эришганимиз

### ВАТАН ИФТИХОРИ

## Офарин, ўзбек полвони

Номдор полвонларимиздан бири ЎзМТДП аъзоси Абдулла Тангриев куни кеча ўз ютуқлари жамланмасини яна битта олтин медал ҳисобига қўпайтирди. Пекин Олимпиадаси совриндори Абдулла Тангриев Россиянинг Тюмень шаҳрида дзюдо бўйича мутлоқ вази тоифасида ўтказилган мусобақада шоҳсупанинг юқори поғонасидан ўрин эгаллади. 21 давлатдан 27 нафар энг кучли полвонлар иштирок этган беллашувларда украинлик Крилл Белецкийни, франциялик Ма-

тве Торелни, япониялик Хироки Тачиямани, ярим финалда Жанубий Корея вакили Ким Сунг Минни маглубиятга учратди. Финалда эса Европа чемпионатининг кумуш медали совриндори, венгриялик Барна Бор устидан соф галаба қозониб, жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўлга киритди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Абдулла Тангриев бунга қадар 2008 йили Хитойда ташкил этилган Олимпиада ўйинларида кумуш, уч бор жаҳон чемпионатида (2003 йил Оса-

ка, 2007 йил Рио-де-Жанеро, 2009 йил Роттердам) бронза медалларини қўлга киритган. Шунингдек, 2003, 2007, 2008 ва 2011 йилларда қитъамиз биринчиликларида бош соврин билан тақдирланган.

— Ушбу муваффақиятга мустақиллигимизнинг 20 йиллиги нишонланган йилда эришганимдан бениҳоя хурсандман, дейди жаҳон чемпиони Абдулла Тангриев. — Биз спортчиларга нуфузли халқаро мусобақаларга тайёрлашимиз, уларда муносиб иштирок эти-

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Ахор АҲМЕДОВ, Фолибер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДИНОВ, Муҳаммадхон ҚУРОНОВ, Фабуржон МУҲАМЕДОВ, Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмаи ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОВОВ

**Бош муҳаррир:** Жаволиддин САФОВ  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Кабулхона 234-69-55, Парламент 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41  
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
«ШАРҚ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг chorshanba кунини чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г 1119, Адади — 3827  
Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда  
**Набатчи муҳаррир:** Исмаи ХУДОЕВОВ  
**Набатчи:** Зафар Муҳаммад  
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ  
**Электрон почта:** e-mail: milliy@barkor.uz  
Босишга топшириш вақти — 21.00.  
Топширилди — 23.50.